



«Вестготлар кироллигининг тарихи диний кураш оркали шаклланиб борган. Вестготлар, ўша даврнинг колган герман халклари каби арийчи халк бўлган. Арийчилар Исони Худо томонидан яратилган банда сифатида кўришса, Рум черкови аксинча, Исонинг илохийлигига эътикод килган».

Тарихшунос олим Жон Мидлтон «Жахон монархиялари ва уларнинг сулолари» асаридан

Ягона Аллохга эътикод килган Рум императори Констанций Иккинчи розияллоху анхунинг вафотидан сўнг Византия империясини бошқариш абзали Мукаддас Учлик акидасини қабул килган никейчиларнинг кўлига ўтди. Улар муваххид насронийларни хакикий геноцидга мубтало килишди...

Тўртинчи аср хотимасида кутилмаганда диний-сиёсий кучлар мувозанатини ўзгартириб юборган гаройиб ходиса рўй берди. Буюк император Констанций Иккинчининг рахнамолиги ва хомийлиги остида курраи заминдаги ўша давр муваххидларининг

етакчиси устоз Евсевий Никомедий розияллоху анху томонидан кўп йиллар мукаддам шошмасдан, авайлаб экилган уруғлардан бири катта хосил берди. Евсевийнинг ўзи 341 йили вафот топган бўлса-да, меҳнатининг хосиласи - готларнинг герман кабиласига мансуб европалик кахрамонлардан бири Исломга кириши бўлди. Уни немис халкининг миллий кахрамони дея дадил айтиш мумкин.

Ул зоти шарифнинг исми Вульфила бўлиб, кадимий готлар тилида «бўривачча» маъносини англатган. Евсевий Никомедийнинг мактабида тахсил кўрган Вульфила Европа бўйлаб сафар килар экан, бир герман кабиласидан иккинчисига ўтиб Исонинг ягона Худога эътикод қилишга доир асл таълимотининг мазмун моҳиятини тушунтирганча, бут ва санамларга эътикод қилишни бас қилишга даъват этган. Шу тарика Ислом у ёки бу даражада герман кабилалари орасида оммалаша бошлаган. Тринитаризмга эътикод қилган Византия империяси кўшинлари Ягона Аллохга эргашган гот кабиласи ва бошқа герман кабилаларини таъкиб қилишга киришди. Уша давр румликлари билан европалик герман кабилалари ўртасидаги урушларнинг узок чўзилгани айнан шу сабаб-ла изоҳланади. Католик тарихшунос олим Григорий Турскийнинг тавсифига мувофиқ диний омил румликлар билан герман кабилалари ўртасида узок чўзилган урушларнинг сабаби бўлган. Бошқача қилиб айтганда, бу урушлар тринитарийчи румликлар томонидан муваххид европаликларга қарши олиб борилган урушлар бўлган. Вульфила гот кабилаларига муваххидлик таълимотини сингдиргач, герман кабилалари ушбу таълимотни Европанинг узок-якин бурчакларига тарқатишганча, насроний кироликларга асос солишга киришишди ва бу кироликларнинг ҳар бири арийчи (Исломий) давлат бўлди. Уларни истаганча аташ мумкин, муҳими ўша кироликларда Ягона Аллохга Исо таълимотига мувофиқ эътикод қилинган бўлиб, маҳаллий аҳоли Худонинг ягоналигига, Исо эса Худонинг яратган бандаси эканлигига ишонган. Бундай кироликларнинг энг биринчиси Вестготлар киролиги бўлган.

ВЕСТГОТЛАР КИРОЛЛИГИ. Шундай қилиб, готлар Вульфиланинг даъватига эргашганча асл Христианлик динини қабул қилишди ва айнан ўша замонда улар орасидан, Аллохнинг иродаси ила ўз халкининг, кейинчалик бутун Европанинг тарихини тубдан ўзгартириб юборган буюк бир кахрамон чиқди. Ул зоти шариф европалик мусулмон кирол Аларих Биринчи эди. Арийчи кирол Аларих Биринчи ўз халқини бирлаштириб, герман готларидан иборат қудратли европа армиясини тузишга эриша билди. Унинг армияси шу кунга қелиб Европа ҳудудининг йирик қисмини босиб олган Византия подшоҳлиги кўшинларига қарши тура олди. Арийчи готлар ўз кироли Аларих Биринчи кўмондонлиги остида бир қатор муҳорабалар ўтказиб Рум империясининг тумонат кўшинларини тор-мор қелтиришди ва Византия подшоҳлигига қарам бўлмаган мустақил европа давлатига тарихда илк бор асос солишди. Аларих Биринчининг Болгария шимолида турган кўшини аста-секин Европанинг гарби томон илгарилаб бораверди. Ушбу кўшин 395 йили Юнонистон пойтахти Афинани забт этиб, тринитарийчи румликлар томонидан қатагон қилингунча болкон халқларининг аксарият қисми қаби Ягона Аллохга эътикод қилган грекларнинг кўпчилигини озодликка чиқарди.

Аларих Биринчи Рум подшоҳлигининг тарихий пойтахти бўлмиш Рим шаҳрига қадам-бақадам яқинлашиб борди. Бунёд этилганига саккиз юз йил бўлган ушбу кўхна шаҳарни ҳали бирорта бўлсин ташки душман забт эта олмаган, Рум подшоҳлигига қарашли шаҳар бўлган-ча қолиб, босиб олишга уринган ҳар қандай душман ҳамиша

енгилиб келган эди. Хатто карфагенлик машхур лашкарбоши Ганнибал ҳам милоддан аввалги 214 йили ўз филлари билан Африкадан дастлаб денгиз сузиб, сўнг Альп тоғларини ошиб ўтиб, Римни эгаллай олмаган. Римликлар унинг армиясини тор-мор келтириб, Карфагенни таслим бўлишига мажбур қилган какшаткич талафот етказишган. Шу сабабдан римликлар ўз шаҳрини «Мангу шаҳар» деб аташар ва бу билан уни ҳеч ким забт эта олмаслигига шама қилишар эди.

Бирок бу ҳолат германларнинг мусулмон дохийси Аларих Биринчи таваллуд топгунча давом этган, холос. Ушбу саркарда 410 йили тарихда илк бор Римни забт этишга муваффақ бўлди. Румликлар узок йиллар давомида муваххид христианларни талаб орттирган бойликларнинг маълум қисми готлар томонидан қайтариб олинди. Аслида Аларих Биринчи фақат Римни забт этиш эмас, янада юксак мақсадни кўзлаган. Ўз галабалари билан у тринитарчи румликларнинг зулмидан нажот қидираётган муваххид европаликларга Ватан топиб беришни хоҳлаган, ушбу Ватанда улар румликларнинг ҳамласидан хавфсирамай тинч яшашини орзу қилган.

Шундан сўнг, арийчиларнинг дохийси Аларих Биринчи ўз қўшинини Италиянинг жануби томон йўллаб, кетма-кет олинган шаҳарларни румликлар ҳокимиятидан озод қилиб борган. Бирок буюк саркарда, европалик муваххид кирол Аларих Биринчи 410 йили, яъни Римни забт этган йили Италиянинг жанубидаги Калабрия шаҳрига етиб вафот топди (Аллох уни раҳмат қилсин).

Аларихнинг вафотидан сўнг салтанатни Атаульф мерос олди. Кирол Атаульф бошқарган гот қўшини Гарбий Европанинг энг четига етиб эоришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг, Атаульф бугунги олти давлат, хусусан, Испания, Португалия, Франция, Гибралтар, Монако князлиги ва Андорра князлиги ҳудудини қамраб олган европача мусулмон заволатга асос солди. Франциянинг Тулуза шаҳри янги тузилган арийча қиролликнинг пойтахти бўлди. Вестготлар қироллигини Атаульфдан кейин бир ярим аср давомида Ягона Аллохга эътикод қилган қиролгар бошқарди. Ундай ҳукмдорлар орасидан мисол тариқасида европа-лик мусулмон кирол, Европа қитъасида бугунги кунда ҳам афсонавий қаҳрамон саналадиган Теодорих Биринчини кўрсатиб ўтиш мумкин. Айнан мана шу мусулмон қиролнинг жасорати атоқли инглиз ёзувчиси Жон Рональд Руэл Толкиенга ўзининг машхур «Ўзуклар ҳукмдори» дея номланган қаҳрамонликларга бой эпопеясида Роҳан қироли Теоден образини яратишга илҳом бахш этган.

Шунингдек, Ягона Аллохга эътикод қилган готлар қироли Теодорих Иккинчини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтмоқ жоиз. Ушбу кирол Португалиядаги свевлар халқига муваххидлик дини амалиётини ўргатиши учун Аякс исмли миссионерни юборган. Ушбу тарғиботчи мусулмон-нинг меҳнати натижада свевларнинг бари Ислонга қириб, уларнинг Португалиядаги қироллиги ўнлаб йиллар давомида арийча қироллик бўлиб келади. Вакт ўтиб аллақандай жумбоқли ҳодиса рўй беради-ю, ушбу қироллик сирли равишда католиклар мазҳабига қириб қолади. Узок давом этган изланишларим шуни кўрсатмоқдаки, свевлар қироллигининг арийчилик даври ва ундан кейинги даврларга тааллуқли архив материаллари атайин йўқ қилиниб, аждодлари асос солган қироллик аслида Ислоний давлат бўлгани ҳақидаги маълумотлардан воқиф бўлиш имконидан шўрлик португалияликлар маҳрум бўлган.

586 йили муайян сиёсий сабаблар туфайли Реккаред Биринчи исмли қироли католиклар мазҳабига қириб олгунча Вестготлар қироллиги 150 йил давомида Ислоний (арийча) давлат бўлиб келган. Шундан сўнг, арийчи насронийлар ва яҳудийлар тринитарчи католиклар томонидан қатагон қилинади.

Бу ходисани фикр тарозисидан обдан ўтказинг, чунки ушбу Исломий кироллик кулашидан 17 йил мукаддам Арабистон яриморолида ўгил бола тугилган бўлиб, унга Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам исми берилган бўлади. Яна 20 йилдан сал кўпрок вақт ўтиб, ўша йигитча жамики жахонга янгиланган Ислом динини олиб келади. Заминида Исломий арийчи идора тизимига барҳам берилганидан кейин 120 йил ўтиб, Ислом динига эътикод қилган мусулмонлар Андалусияга яна яккахудолик динини қайтаришади. Шундай экан, арийчилик тарихининг чуқур англаб етилиши биз учун мукаддам жавоби топилмаган кўпдан-кўп тарихий жумбоқларни фош этади. Бундай жумбоқлар жумласига мусулмонларнинг Андалусияни осонликча забт этгани қиради. Биринчи забткор мусулмонлар томонидан намоён этилган мардлик ва жасорат намуналарининг назар-писанд қилинмаслигига йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Бирок шуни тушуниб етмоқ жоизки, атиги бир неча ой ичида мураккаб тоғ рельефидан иборат Андалусиядек катта ҳудудни забт этиб, унинг истило қилинган шаҳарларининг тўла-тўқис бўйсунганини таъминлаш осон қўчмайди. Айниқса, Исломий қўшинлар сон жиҳатдан оз бўлгани инобатга олинадиган бўлса.

Мусулмон жангчилар ўлимдан кўркмас қахрамонлар эканлиги ҳаммамизга маълум, албатта. Бирок бу ҳолат ўзаро ёрдам, ўзаро манфаатлар асосида тузилган стратегик иттифоклар омилини инкор этмайди. Зеро, ушбу омиллар уйғунлиги галабага тез ва осон эришишнинг сабаби сифатида хизмат қилди.

Асарнинг мазкур бобини битишга ҳозирлик кўрар эканман гарб манбаларида мени қучли тўлқинлантириб юборган бир маълумотга дуч келиб қолдим. Аникланишича, кироллик ҳаётининг сўнгги йилларида тринитар насронийликни қабул қилган киролларининг зулмидан қочиш жон сақлаган европалик муваххид вестготлар Магрибда яшашган экан. Ва айнан мана шу қочкин вестготлар орасидан чиққан арийчилар Андалусияни забт этишга отланган мусулмонларга яқиндан ёрдам кўрсатиб, зарурий маълумотларни ҳавола этишган экан. Ўша гарб манбаларида айтилишича, вестготларнинг кўпчилиги Магриб шимолидаги Сеут ҳокими Юлианга илтимос-ла мурожаат қилиб, бошпана сўрашган. Юлиан эса Тарик ибн Зиёдга Андалусияни забт этишга амалий ёрдам берган ҳукмдор бўлган, хусусан, у қўшини денгиз ошиб ўтиши учун Тарик ибн Зиёдга кемалар берган. Бу ҳақда кейин ҳикоя қиламиз.

Андалусиянинг мусулмонлар истилодан олдинги тарихи билан танишиб чиққач, нима учун маҳаллий яҳудийлар Андалусия мусулмонлар томонидан забт этилишини маъқул топишганини тушуниб етамиз. Гап шундаки, сефардлар - Андалусия ва Пириней яримороли яҳудийлари Ягона Аллоҳга эътикод қилган арийчи вестготлар ҳукумати даврида тинч ва эркин яшаб қелишган.

Кироллик ҳокимлари Реккаред Биринчига эргашганча католик мазҳабига қириб олишгач, ҳозирги Испаниянинг Толедо шаҳрида бир қатор диний соборлар ўтказишган. Учинчи Толедо соборидан эътиборан католиклар яҳудийларни католик мазҳабига мажбуран қиритиш мақсадида таъқиб қилишга доир бир қатор қонунлар қабул қилишди. Иш охир-пировардида шу даражага бориб етдики, яҳудийларга қул сифатида қаралиб, фарзандлари тортиб олинди. Яҳудийларнинг трини-тарчилар томонидан бундай катагон қилиниши насроний манбаларда қелтирилган маълумотларни биз учун тушунарли қилиб қўяди. Уша манбаларда яҳудийлар Андалусияни забт этиш ва истило қилинган шаҳарларни қўриқлаш масаласида мусулмонларга яқиндан ёрдам бергани ҳақида гап боради. Шунингдек, Исломий манбаларда қелтирилган маълумотлар мазмуни ҳам бизга янада тушунарли бўлиб қолади. Зеро, уларда айтилишича, мусулмонлар ўзлари истило

килган шахарларга яхудийларни жойлаштириб, уй-жой билан таъминлашган экан. Аслида эса Андалусияни забт этишда мусулмонларга ёрдам берган яхудийларнинг роли, уларни соткин деб билиб, Андалусия католик мазхаби тусига кириб олгач, яхудийларга нисбатан амалга оширилган катагонни оклашга уринган католиклар томонидан ё хаддан ортик бўр-тиб кўрсатилади, ё тўла-тўқис инкор этилади. Аммо гарб манбалари ва Исломий манбаларнинг бир масалада яқдиллиги кузатилади, у ҳам бўлса, Андалусияни забт этиш ва истило килинган шахарларни кўриклаш масаласида яхудийлар халоскор мусулмонларга кам деганда логистик ёрдам кўрсатишгани аник.

Андалусияликлар биринчи мусулмон забткорларни шошилинч равишда қабул қилишганига, афтидан, маълум мазмунда юзага келган жамоатчилик омили таъсир кўрсатган. Бу омил авваламбор, асосий қисми 150 йилдан зиёд вақт давомида муваххид бўлган вестготлардан ташкил топган Андалусия аҳолиси ўз ҳаёти ва қалбида яккахудолик амалиётининг асосларини саклаб қолганидан иборат. Шубка йўқки, аксарият арийчилар ўзининг муваххидлик маслагини тринитарчи қироллари олдидаги кўркув сабабли беркитишган. Ва айнан мана шу ҳолат Андалусиянинг туб аҳолиси, ушбу заминда 800 йилдан буён барҳаёт сакланган Ислом маданиятига тез қўшилиб кетишига ва қўплаб вестготлар Исломни қабул қилишига туртки берган бўлса, ажаб эмас.

Дарҳақиқат, Ислом дини инсон табиатидаги юксак маънавий сифатларни шакллантириб, тарбиялайди, шариати амал қилиш жихатидан қийин кечмайди, эътикод масалалари соғлом ақл идрок этиши учун тушунарли, мусулмонлар сафига қўшилаётган одамларнинг аждоди муқаддам яккахудолик динига эътикод қилиб келган халқлар орасидан қелиб қолган бўлиши шарт ҳисобланмайди. Бироқ ҳаёт ҳақиқати шундан иборатки, инсон ўз табиатида кўра шу чоккача унга номаълум бўлган нарсаларга душманларча, эҳтиётқорона муносабат билдиради.

Балким Андалусиядаги муваххид арийчиларнинг ушбу тарихи айрим Исломий ғалабалар тарихини тушуниб етишимизга омиқ бўлар, валлоху аълам.

Ушбу давлат ўзининг Андалусия деган номига қандай эга бўлди? Ўша даврда барпо этилган арийчи муваххидларнинг давлатларига нима бўлди? Қим экан ўша Африка шимолида арийчилар давлатига асос қолган, Румни забт эта билган европалик муваххид қирол? Ушбу арийчи қирол Рум флотига (Ўрта денгиз тарихида муқаддам бўлмаган энг қудратли флотга) талафот етказган денгиз муҳорабасининг тарихи қандай бўлган?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюқ шахси" қитобидан